

Аёл меросхўрлар (иккинчи мақола)



11:08 / 25.02.2020 1470

3. Ўғилнинг қизи, ўғил набиранинг қизи ва ҳоказо.

Бу бандда зикр қилинган меросхўрларнинг ҳолатлари олти хил бўлади:

Биринчиси:

Маййитнинг ортидан ўз қизи ёки ўғли ҳамда уларга тенг меросхўр қолмаганда ўғилнинг қизига мероснинг ярми тегади.

Мисол учун, маййитнинг ортидан отаси, онаси ва ўғлининг қизи қолса, ўғилнинг қизига ярим, онага олтидан бир ва фарз соҳиби ҳамда асаба сифатида отага қолган мерос тегади.

Иккинчиси:

Маййитнинг ортидан ўз қизи ёки ўғли ҳамда уларга тенг меросхўри қолмай, иккита ёки ундан ортиқ ўғилнинг қизи қолса, уларга мероснинг учдан иккиси тегади.

Мисол учун, маййитнинг ортидан отаси ва ўғлининг икки қизи қолса, ўғилнинг икки қизига учдан икки ва отага фарз соҳиби ҳамда асаба сифатида қолган мерос тегади.

Учинчиси:

Ўғилнинг қизлари ўғилнинг ўғиллари билан бирга асабага айланадилар. Бунда уларга «бир эркакка икки аёл ҳиссаси» қоидаси асосида мерос бўлинади.

Мисол учун, маййитнинг ортидан ўғилнинг қизи ва ўғилнинг ўғли қолса, иккиси орасида «бир эркакка икки аёл ҳиссаси» қоидаси асосида мерос бўлинади.

Тўртинчиси:

Маййитнинг ортидан битта ўз қизи ва ўғилнинг қизи қолса, ўғилнинг қизига олтидан бир мерос тегади.

Мисол учун, маййитнинг ортидан ўз қизи ва ўғилнинг қизи қолган бўлса, ўз қизига мероснинг ярми, ўғилнинг қизига олтидан бири тегади. Ўғилнинг қизига теккан бу олтидан бир меросни учдан иккини «муқаммал қилувчи» деб номланади. Маълумки, маййитнинг ортидан қолган иккита қизга учдан икки мерос тегади. Ўғилнинг қизи ҳам қизнинг ўрнида. Битта ўз қизи ва битта ўғилнинг қизи икки қизнинг ўрнига ўтади ва улар учдан икки ҳисса меросга ҳақли бўладилар. Аммо ёлғиз қизга мероснинг ярми тегиши аниқ. Маййитнинг ўғилнинг қизи унинг ўз қизи ўрнида бўлмайди, шу сабабдан унга учдан иккини тўлдириш учун ўз қизи олган яримга қўшимча равишда олтидан бир берилади. Шунда маййитнинг ўз қизи ва қиз набираси олган жамаи улуш оятда айтилган учдан иккига тенг бўлади.

Бешинчиси:

Ўғилнинг қизи ўғил томонидан ҳажб қилинади.

Мисол учун, маййитнинг ортидан унинг ўғли ва ўғилнинг қизи қолса, мероснинг ҳаммаси ўғилга тегади. Ўғилнинг қизига ҳеч нарса тегмайди.

Олтинчиси:

Ўғилнинг қизини икки ва ундан ортиқ ўз қизи ҳажб қилади. Бу ҳолда ўғилнинг қизи меросдан ҳеч нарса олмайди.

Аммо ўғилнинг қизи билан бирга ўзи билан тенг даражадаги ёки ундан паст даражадаги эркак набиралардан бўлса, ўғилнинг қизи улар билан бирга асаба сифатида мерос олади. Бунда «бир эркакка икки аёл ҳиссаси» қоидаси асосида мерос бўлинади.

Баъзи мисоллар:

1. Маййитнинг ортидан қизи, ўғлининг қизи ва отаси қолди. Бунда:

Қизига ярим;

Ўғилнинг қизига олтидан бир;

Отага фарз соҳиби сифатида олтидан бир ва асаба сифатида қолган мероснинг ҳаммаси тегади.

2. Маййитнинг ортидан ўғилнинг қизи ва ўғилнинг ўғли қолди. Бунда:

Икковлари меросни «бир эркакка икки аёл ҳиссаси» қоидаси асосида бўлиб оладилар.

3. Маййитнинг ортидан қизи, ўғлининг қизи ва ўғилнинг ўғлининг ўғли – чевараси қолди. Бунда:

Қизга ярим;

Ўғилнинг қизига олтидан бир;

Ўғилнинг ўғлининг ўғлига қолгани тегади.

4. Бир аёл вафот этиб, ортидан эри, отаси, онаси, қизи, ўғлининг қизи ва ўғлининг ўғли қолди. Ҳисоб-китоб тартиби тушунарли бўлиши учун меросхўрларга тегадиган улушнинг миқдори ва тегишли оятларни келтириб ўтамыз:

Эрга мероснинг тўртдан бири («Агар уларнинг (хотинларингизнинг) боласи бўлса, сизга улар қолдирган нарсанинг чораги»);

Отага олтидан бири («Агар у(маййит)нинг боласи бўлса, у қолдирган нарсдан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бир»);

Онага олтидан бири («Агар у(маййит)нинг боласи бўлса, у қолдирган нарсдан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бир»);

Қизга ярми («Агар битта (аёл) бўлса, унга ярми»).

Ўғлининг қизи ва ўғлининг ўғлига ҳеч нарса йўқ. Чунки меросдан ҳеч нарса қолмади. Бу масалада ўғилнинг қизи ўз биродари билан бирга асаба бўлиб қолди. Агар биродари бўлмаганда, олтидан бирни олар эди. Биродари уни меросдан маҳрум қилганлиги учун бу биродар «машъум биродар» деб аталади.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан